



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2013-yil, 16-aprel. Seshanba ● 44 (31.634) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш — бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНГИ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН ЯНАДА БОЙИТИШ ЙЎЛИДА

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 14-15 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларда олий даражадаги сиёсий мулоқотлар мунтазамлик касб этган. Ислам Каримов 2010 йилнинг апрель ойида расмий ташриф билан Россияда бўлди. 2012 йилнинг июнь ойида Владимир Путин расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Мазкур ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация ва бошқа бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташкил этилган муносабатларда ўртада мунтазам алоқалар йўлга қўйилган. Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров жорий йилнинг 5 апрелида ташриф билан Тошкент шаҳрида бўлди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида имзоланган қарийб 200 давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этади. 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги асосий ҳужжатлар бўлиб, мазкур шартномаларда ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ўзаро шерикликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган. Ушбу шартномаларда миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, терроризмга, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishi ҳамда янги таҳдид ва хавф хатарларга қарши курашиш масалаларида яқин ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Президент Ислам Каримовнинг Россияга расмий ташрифининг асосий тадбирлари 15 апрель кун Кремлда бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Владимир Путиннинг тор доирадаги учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармовий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг буғунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазият ривожини, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликнинг тарқалишига қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари давлатларимизнинг БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиги масалаларини кўриб чиқдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги муҳокамаларда асосий эътибор иқтисодий ҳамкорлик масалаларига қаратилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон-Россия муносабатларининг мустаҳкам асосини ташкил этиши таъкидланди. 2012 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 12,6 фоиз ўсди ва 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги ўсish 20 фоизга етди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 850 Россия-Ўзбекистон компанияси фаолият кўрсатмоқда, мамлакатимизда Россиянинг 100 дан ортиқ корхоналарининг ваколатхоналари рўйхатга олинган.

Россияда Ўзбекистон капитали иштирокидаги 400 дан ортиқ компания фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик ёқилги-энергетика соҳасида фаол ривожланмоқда, Россиянинг йирик нефть-газ компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Музокараларда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали сармовий ҳамкорликни янада ривожлантириш, товар айирбошлашнинг кўпайтириш, транспорт, транспорт коммуникациялари соҳасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ва сармовий ҳамкорлик, ёқилги-энергетика комплекси ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ўзаро ҳамкорлик масалалари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Ҳукуматлараро иқтисодий ҳамкорлик комиссияси фаолияти доирасида кўриб чиқилмоқда. 2012 йилнинг декабрида Тошкентда ушбу комиссиянинг 14-мажлиси бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида комиссия фаолияти ва истиқболдаги режалар муҳокама этилди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм бўйича вазирилик ва идоралар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, фанлар академиялари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашни кўзда тутувчи гуманитар соҳадаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашди.

Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Музокаралар якуни бўйича Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисида битим, 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2013-2015 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик дастури имзоланди. Шунингдек, ташриф доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муассасалари, божхона ва солиқ хизматлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинди.

Ислам Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очик ва ўзаро ишонч руҳида ўтгани, кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан томонларнинг позицияси ҳамда фикрлари бир-бирига ўхшашлиги ва яқинлигини, имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ишчанлик муҳитида ўтган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Россия кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, муносабатларни янги амалий мазмун билан янада бойитиш йўлидан бораётганини таъкидлаш учун асос бўла олади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Москва — Тошкент.

Биздан озод ва обод Ватан қолсин!



НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА БАРПО ЭТИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАР ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНING ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугун мамлакатимизда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзuida халқаро конференция ўз ишини бошлайди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анжуманда эллика яқин мамлакатдан қарийб 300 нафар олим, мутахассис ва эксперт иштирок этади.

ЎЗХДП маҳаллий кенгашларида



ПОЙТАХТНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА

муносиб ҳисса қўшиш учун партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳи фаолиятини янада кучайтириш лозим

ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгашининг IX пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, шаҳар партия кенгаши фаоллари, депутатлар, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари иштирок этди.

Эътироф

Гаспар Ж.Льянес Диас САЛАЗАР, Андалусия ҳукумати-нинг иқтисодиёт бўйича котиби (Испания):

— Улкан қурилиш майдонига айланган Ўзбекистонда замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уйлар ўзига хос мезморий ечим ва юксак сифати билан ажралиб туради.

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Гулбо» массивида бўлиб, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида қурилатган янги уй-жойлар лойиҳалари гоёт пишик ва пухта яратилганига ишонч ҳосил қилдим. Лойиҳаларда оиладаги барча аъзоларнинг эҳтиёжи инobatта олинган.

Ушбу янги массивда уй-жойлар билан бирга мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт пункти, маҳалла идораси барпо этилган. Хонадонлар газ, электр энергияси, ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган, минимаркетлар фаолияти йўлга қўйилган. Кенг, ёруғ ва файзли кўчалар, ховлиларда яшаш турли дарахлар, гуллар баҳри дилингни очди.

Мамлакатингиздаги ободлик ва фаровонликни ҳар бир хонадон мисолида кўриш мумкин. Масалга бундай атрофлича ёндашув аҳолига кенг кулайликлар яратиши билан бирга худудларни комплекс ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

3

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ оlingан суратлар.

⇒ 2

ЎзХДП маҳаллий кенгашида

ПОЙТАХТНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА

муносиб ҳисса қўшиш учун партия ташкилотлари

ҳамда депутатлик гуруҳи фаолиятини янада кучайтириш лозим

Пленумда шаҳар партия ташкилотининг 2012 йилдаги фаолияти таҳлил қилинди. Жорий йилда шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия ташкилотларининг амалий иштирокини кучайтириш, электротат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Учун ШОЙИМКУЛОВ, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Утган йили партиямиз Ҳаракат дастури асосида Олмазор ва Бектемир туманларида аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қисмига тиббий хизмат кўрсатиш сифати таҳлил этилди. Яққасарой, Утепа ва Сергели туманларида эса таълим муассасалари битирувчилари учун иш ўринлари ташкил этиш борасидаги аҳвол кўриб чиқилди. Шунингдек, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Утепа туманларида ҳудудий бандлик дастурларининг ижро этилиши бўйича амалга оширилган ишлар ўрганилди. Мазкур масалалар юзасидан ушбу ҳудудларда турли камчиликлар борлиги аниқланди. Муаммоларни бартараф этиш ҳамда соҳаларни ривожлантиришга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, партия депутатлик гуруҳига тақдим этилди.

Депутатлик гуруҳимиз томондан доимий комиссиялар

(Давоми. Боши 1-бетда.)



муҳокама учун «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурдаги устувор вазифаларнинг ижроси, тўй маросимларини тартибга солиш, шаҳарнинг санитария эпидемиология ҳолатини яхшилаш ва ҳудудларда тозаликни сақлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш, коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштириш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тарифларнинг асосис ҳиссага йўл қўймаслик, соҳага оид муаммоларни бартараф этишга оид 56 та тақлиф киритилган.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 18-сессияси кун тартибига «Шаҳарда 2012 йилнинг 1-чорагида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини бажариш борасида олиб борилган ишлар тўғрисида»ги масала олиб чиқилиб, муҳокама қилинди. Буларнинг барчаси партиямиз электротат манфаатининг таъминлашга қаратилган бўлса-

да, биз бу борада ҳали ўзимиз кутган натижага эриша олганимиз йўқ.

Пленумда, шунингдек, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳи фаолиятида қатор камчиликларга йўл қўйилгани ҳам очик тан олинди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ҳудудий ривожланиш дастурларига муқобил тақлиф киритиш, партия Сайловолди дастурининг келиб чиқадиган ижтимоий масалалар юзасидан назорат-таҳлил ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Жасур ҚУЛМУҲАММЕДОВ, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Тошкент шаҳрида 79 та касб-хунар коллежи бор. Ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилаш, ўқувчиларнинг амалиётини бўлажак иш жойида ўташини ташкил этиш борасида самарали ишлар қилинмоқда.

Бирок битирувчиларни мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш мавсумий иш бўлиб қолмаслиги, битирувчи субъектив сабаблар билан ишдан бўшатиб юборилмаслигини назорат қилиш, ташкил этилган ҳар бир иш ўринининг барқарорлигини таъминлаш лозим. Одатда, ўқув йили тугаши арафасида битирувчиларни иш билан таъминлашга эътибор кучайтирилади. Бу бир томондан тўри. Лекин бу — бизнинг йил давомидаги фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бўлиб қолиши керак.

Мухтабар АЛИМБЕТОВА, Олмазор туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати директори, партия фаоли:

— Электротат билан ишлаш, ижтимоий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишда бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш алоҳида ўрин тутди.

Масалан, бошланғич ташкилотлари етакчилигининг салоҳиятини ошириш вақти кел-

ди, деб ўйлайман. Уларда ташкилотчилик ва ташаббускорлик, сиёсий етакчилик фаолиятларини ривожлантириш лозим. Шунингдек, бошланғич ташкилотларда ўтказиладиган тадбирларда ҳаётий масалалар муҳокамасига кенг ўрин бериш, ижтимоий долзарб мавзуларда учрашув ва давра суҳбатларини кўпроқ ташкил этиш керак.

Акрам ҲОШИМОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Ҳар бир депутат, аввало, ўзи сайланган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхши билиши, юзга келаётган масалаларни чуқур ўрганиши, айна пайтда, уларни бартараф этиш бўйича аниқ тақлифлар билан чиқиши зарур. Пленумда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилди. Ҳўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Авалло, маҳаллий Кенгашилардаги доимий комиссиялар ваколатларидан кенг фойдаланиш зарур. Чунки доимий комиссиялар ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган масалалар ечими бўйича амалий тақлифларни шиклантиришда муҳим ўрин тутди. Сессия муҳокамасига ҳам тегишли масала доимий комиссия орқали киритилди. Шу боис партиямиздан сайланган ҳар бир депутат, аввало, доимий комиссияларда электротат манфаати билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими бўйича ташаббус кўрсатиши керак бўлади.

Пленум қизғин баҳс-мунозаралар, фикр-алмашувлар руҳида ўтди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева иштирок этиб, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳи зиммасидаги муҳим вазифалар ҳақида мулоҳаза билдирди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА, Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

йўлидаги фаолиятимизни янада кучайтириш ҳаётий заруратдир

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Унда «Обод турмуш йили» Давлат дастури, партия Сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг электротат манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги иштирокини кучайтириш йў-

налишлари муҳокама этилди.

— Ҳар бир партия ташкилоти ҳамда депутатлик гуруҳи тегишли ҳудуддаги бирор-бир жиддий ижтимоий масалани чуқур ўрганиб, ҳар томонлама таҳлил этиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда бартараф этиш

йўллари ижтимоий ҳамкорларимиз, жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама этиши ва муаммонини ҳал этиш борасида охирига қадар изчил курашиши зарур, — деди вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Мухаммадхон Йўлдошев. — Партия бирор-бир муаммони нафақат кўтариб чиқиш, балки уни ҳал этиш борасида ҳам етарли

ваколат ҳамда ҳуқуққа эга бўлгани учун ҳам сиёсий куч ҳисобланади. Шундай экан, бу кучдан электротат манфаатини таъминлаш йўлида самарали фойдаланиш зарур.

Пленумда, шунингдек, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ўтган йилги фаолияти таҳлил этилди. Йўл қўйилган ҳато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Шулар асосида электротат манфаатига хизмат қилувчи ташаббусларни илгариси суриш бўйича аниқ йўналишлар белгилаб олинди. Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, Ўзбекистон овози» мухбири.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

жиддий масъулият талаб этади

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг ўтган йилги фаолияти яқунлари таҳлил этилди, бу йилги энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Пленумда кун тартибидан масалалар юзасидан бўлган мунозараларда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурлар ижроси устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини олиб беришдаги иштирокини янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов бу борадаги ишлар бугунги кун талаби даражасида эмаслигини таъкидлаб, аксарият ҳолларда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётганига эътибор қаратди.

— Электротат манфаатини самарали ҳимоя қилишда хотиржамликка берилиб бўлмайди, — деди халқ депутатлари Боёв туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Раббимқул Ибрагимов. — Утган йили депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан ҳудудимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қатор масалалар сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди.

Аммо бу етарли эмас. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир.

Шу боис 2013 йилда бор имкониятларимизни ишга солиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийинчиликка дуч келаётган, жисмоний имконияти чек-

ланган кишилар манфаатлари билан боғлиқ фаолиятимизни янада кучайтириш талаб этилади.

Пленумда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Гулноза Эрназарова, ЎзХДП «Фаол эъланлар» қаноти етакчиси Мухтасар Абдурахмонова маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари фаолиятини аниқ йўналишлар бўйича кучайтириш, бошланғич ташкилотлар ишидаги таъсирчанликни, партия тизимини да мундат қилаётган кадрлар салоҳиятини ошириш борасида ўз фикр-мулоҳаза ва тавсияларини ўртага ташлади.

Шунингдек, пленумда вилоят партия кенгаши ижроия кўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг 2012 йилдаги фаолияти ҳамда вилоят кенгашининг 2012 йилги бюджет ижроси ва 2013 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Йилги иш якунида вилоят кенгашининг 2013 йилга мўлжалланган амалий ҳаракат дастури тасдиқланди.

Жанглиш ҲАСАНОВА

Ташаббус

ДЕПУТАТ ТАКЛИФИ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

натижада туман Кенгаши сессиясида ЎзХДП электротати манфаатига дахлдор қарор қабул қилинди

Жиззах вилоятининг Янгиобод туманидаги «Ховос чорвадори» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сулаймонқул Хидиров ўтган сайловда одамларнинг ишончини қозониб, халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган эди.

ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси сифатида у аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатига хизмат қиладиган масалаларни ўз ваколатлари доирасида имкон қадар ҳал этишга, учраётган айрим муаммоларнинг мақбул ечимларини топишга ҳаракат қилапти.

— Худудда аҳоли саломатлигини сақлаш, айниқса ёш авлод ҳар томонлама баркамол бўлиб ўлгайиши билан боғлиқ масалалар депутат сифатида Сулаймонқул Хидировни доим қизиқтириб келади, — дейди **ЎзХДП Янгиобод туман кенгаши раиси Бекмурод Журмурад.**

— Шунинг учун ҳам у сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган муаммолар, Янгиобод ва Баландқачқир қишлоқларида олиб борган назорат-таҳлил ишларининг яқунларини таҳлил қилиб, «Янгиобод туманида соғлиқни сақлаш соҳасини янада яхшилаш, қишлоқ тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳақида»ги масалани депутатлик гуруҳига олиб чиқди.

Гуруҳ бу масалани ҳар томонлама муҳокама этиб, халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий маданий ривожлантириш, ёшлар сиёсати ҳамда соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссияси мажлисининг кун тартибига киритди. Доимий комиссия масалани халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Яқинда халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида депутатлар ушбу масалани атрофлича муҳокама қилди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаатларига хизмат қиладиган тақлифлар қўллаб-қувватланиб, тегишли қарор қабул қилинди. Шундай қилиб, депутат ташаббуси билан Ўзбекистон ХДП электротати манфати ҳимоясига эътибор янада кучайтирилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, Ўзбекистон овози» мухбири.

2013 йил — Обод турмуш йили

Самарқанд:

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ХИЗМАТИДАН АҲОЛИ МАМНУН

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига амалга оширилаётган ислохотлар самараси Самарқанд вилоятидаги тиббиёт муассасалари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида қабул қилинган давлат дастурларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши самарасида вилоятдаги қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиникалар, тиббиёт бирлашмалари ва марказлар моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қарор билан тасдиқланган 2012-2015 йилларга мўлжалланган дастурга кўра, вилоятдаги 14 туман тиббиёт бирлашмасини модернизация қилиш ва «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида замонавий лаборатория, таъхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Утган йили бир қатор туманларда ушбу дастурда белгиланган ишлар бажарилди. Жорий йилда эса Иштихон, Пахтачи, Самарқанд, Булунгур, Пастдарғом, Пайарик, Жомбой туманлари тиббиёт бирлашмаларида модернизация ишлари давом этмоқда.

— Дастур асосида тез тиббий ёрдам хизматини замонавий технология асбоб-ускуналар билан таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш мақсадида 2012 йилда шошилиш тез тиббий ёрдам бўлиминининг Бўстон шохобчасида таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди Каттакўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Ҳамза Ҳамроев. — Бу ерда техника воситалари доимо қақиривга тайёр бўлиб, улар зарур дори-дармон ва бошқа воситалар билан тўлиқ таъминланган. Ходимлар малакаси оширилиб, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилди. Натижада, туман марказидан олис ҳудудлардаги маҳаллар аҳолисига ҳам зарур пайтда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва даражаси анча яхшиланди.

Бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш борасида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятининг таъминланиши асосида замонавий лаборатория, таъхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Утган йили бир қатор туманларда ушбу дастурда белгиланган ишлар бажарилди. Жорий йилда эса Иштихон, Пахтачи, Самарқанд, Булунгур, Пастдарғом, Пайарик, Жомбой туманлари тиббиёт бирлашмаларида модернизация ишлари давом этмоқда.

— Дастур асосида тез тиббий ёрдам хизматини замонавий технология асбоб-ускуналар билан таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш мақсадида 2012 йилда шошилиш тез тиббий ёрдам бўлиминининг Бўстон шохобчасида таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди Каттакўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Ҳамза Ҳамроев. — Бу ерда техника воситалари доимо қақиривга тайёр бўлиб, улар зарур дори-дармон ва бошқа воситалар билан тўлиқ таъминланган. Ходимлар малакаси оширилиб, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилди. Натижада, туман марказидан олис ҳудудлардаги маҳаллар аҳолисига ҳам зарур пайтда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва даражаси анча яхшиланди.

Бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш борасида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятининг таъминланиши асосида замонавий лаборатория, таъхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Утган йили бир қатор туманларда ушбу дастурда белгиланган ишлар бажарилди. Жорий йилда эса Иштихон, Пахтачи, Самарқанд, Булунгур, Пастдарғом, Пайарик, Жомбой туманлари тиббиёт бирлашмаларида модернизация ишлари давом этмоқда.

Ҳ.ҲАСАНОВА, ЎзА мухбири.

НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР АСОСИДА БАРПО ЭТИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАР ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Александр Сефре ЗАНД, «Sefre Architects Research Group» компанияси бош ижрочи директори, Буюк Британия архитекторлари Кирилл институты аъзоси (Буюк Британия):

— Халқаро конференция доирасида Сангиота туманидаги «Обод турмуш» маҳалласида бунёд этилган уй-жойларда яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Касбим архитектор бўлгани учун уй-жой ва инфратузилма объектлари лойиҳаси, хоналарнинг жойлашуви ва кенглиги, деворларнинг баландлиги эътиборини тортди. Яшаш учун катта қулайлик ва имкониятлар муҳайё этилган. Яна бир муҳим жиҳат: бу уйлар узок муддатли, имтиёзли ипотека кредити асосида берилгандир. Нархи ҳам арзон.

Лютгарт ДУСАР, «Living Stone» маркази лойиҳа менежери (Бельгия):

— Покент туманидаги «Дўстлик» масивиди барпо этилган замонавий уйлар менда унутилмас таассурот қолдирди. Боиси, замонавий инфратузилмани ривожлантириш ва таъмирлаш бўйича мутахассис сифатида кўплаб мамлакатларда бўлганман, аммо ҳеч қайси давлатда бу масалага ўзбекистондаги каби ҳар томонлама чқур ёндашилмапти. Мамлакатингизда кўпгина мамлакатларда замонавий уй-жойлар барпо этилиши билан бирга таълим, тиббиёт, спорт объектлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани менда ҳавас уйғотди. Мазкур масивда ташкил этилган мини-банк аҳолига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун минимал фойз ставкалари бўйича кредитлар бераётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Каролин БАСТИАНС хоним, Фландрия парламенти депутаты (Бельгия):

— Ташкиллаш жоизки, қишлоқ жойларда замонавий уйлари барпо этилиши шунингдек, сифат жиҳатидан шахарлардагидан кам бўлмаган ижтимоий муҳитни яратиши, ободлаштириши ишларини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг йўл очиб ва шу орқали аҳолини иш билан таъминлаш унинг даромадини, фаровонлигини янада юксалтиришида муҳим омил бўлади. Бу эса, ўз навабатида, қишлоқларнинг ҳам шахарлар каби юқори суратлар билан раванк топишига хизмат қилади. Бу жиҳатдан Ўзбекистонда ўтказилган халқаро конференция катта аҳамият касб этади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Чен ЧАНМИН, «Shanghai Tongshe Architectural Design Institute» компанияси вице-президенти (Хитой):

— Ўзбекистонда санаот, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уйлар барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий соҳаларда салмоқли натижаларга эришилаётган. Қишлоқ жойларни ривожлантиришда аҳоли учун уй-жойлар қуриш, одамларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш ишларининг комплекс тарзда амалга оширилаётгани муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатингизда бу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олис қишлоқ ва овулар қиёфасини ҳам бутунлай ўзгариб юрмоқда. Шу боис Ўзбекистонда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишларига қизиқиш катта.

Халқаро анжуман доирасида мамлакатингизнинг чекка ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, халқ фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ва аҳолининг турмуш шароити билан яқиндан танишиш имкони яратилаётганидан мамнунмиз. Мазкур халқаро анжуман қишлоқларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни пухта ва самарали амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан дунёнинг қатор экспертлари ва олимлари билан тажриба алмашиш учун қулай имкониятдир.

Салво СУЛТОН, Осиё мусулмонлари қўмитаси котиби (Қувайт):

— Ўзбекистонда нафақат шахарларнинг, балки қишлоқ ҳудудларининг ҳам қиёфасини кўркамлаштириш, инфратузилмасини такомиллаштириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, одамларнинг ўзгал ва саодатли ҳаёт кечириши учун қулайлик яратиш борасида ишларга улкан эътибор қаратилмоқда. Мамлакатингиздаги қишлоқларда намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жойларни кенг кўламли барпо этиш ишлари амалга оширилаётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Дунёдаги кўплаб мамлакатларда қишлоқ жойларнинг ободлигига бу даражада доимий ва юксак эътибор қаратилмапти. Ўзбекистонда қўсқа фарсатда барча вилоятда минглаб замонавий уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилгани тахсинга сазовордир. Айниқса, бу уйларнинг барча зарур маиший шарт-шароитларга эга экани, яшаш учун катта қулайликлар билан таъминлангани қишлоқ одамларининг фаровон турмуш кечиришида муҳим омил бўлаётгани диққатга сазовор.

Яхши, замонавий уй қурган одамларнинг болалари эртага ота-онасига раҳмат айтади. Энг муҳими, бундай шинам уйларда туғилиб вояга етган болаларнинг соғлиғи, фикри, дунёқараши ҳам бошқача бўлади.



У-А суратлари

Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибасидан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди. Халқаро конференция ҳам аини шу мақсадга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Хавьер Салседо КАБЕЛЬО, «PROES Consultors S.A.» компаниясининг мейморчилик департаменти директори (Испания):

— Ўзбекистонда ушбу муҳим мавзудagi халқаро конференциянинг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Чунки мамлакатингизда қишлоқ жойларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар барча давлатлар учун намуна сифатида хизмат қилиши мумкин. Ўзбекистонда замонавий уй-жойларни барпо этиш ва бу ишларни молиялаштириш, массивларни танлаш, аҳоли пунктларининг бош лойиҳаларини тузиш, қурилиш материаллари билан таъминлаш каби жиҳатларни қамраб олган ташкилий-хуқуқий механизмлар яратилгани таҳсинга сазовордир. Қайд этиш керакки, Ўзбекистонда қишлоқларни комплекс равишда ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар бутун мамлакатни янада тараққий эттириш йўлида юксак самаралар беради.

Жозеф АДАЙКАЛАМ, «Bizney Management & Entrepreneurship» университети ижрочи директори, вице-канцлери (Малайзия):

— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий шароитини янада яхшилаш мақсадида кўплаб дастурлар самарали амалга оширилаётган. Зеро, бундай лойиҳалар нафақат худудларнинг кўрнгига кўрнқиб, чиройлига чирой бахш этади, балки

қишлоқ хўжалиги ва қурилиш санаотининг изчил ривожланишида, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигининг янада тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга. Замонавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларни сотиб олиш учун банклар томонидан аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилаётгани Ўзбекистон раҳбарияти томонидан халқ фаровонлигини ошириш йўлида кўрсатилаётган улкан гамхўрликдан далолатдир.

Ўзбекистонга илк марта келишим. Юртингизни кўриб, Ўзбекистон таъсавуридагидан ҳам обод юрт эканига ишонч ҳосил қилдим. Тошкентнинг кўплаб диққатга сазовор жойларини бориб кўрдим. Қаерга бормай ёшларга кўзим тушади. Уларни музейларда ҳам кўриб, Ўзбекистон ёшларининг ўз тарихига, маданий меросига катта ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишига ишонч ҳосил қилдим. Ўзбекистонда таълим олиб борилаётган кенг кўламли ишларни мунтазам кузатиб бораман. Мамлакатингиз мазкур йўналишда бутун дунёда кўллана олган ислохотларни, аниқ ва пухта шаклларни меҳанизми, самарали ва фоят истиболли ислохотларни амалга ошираётганини қайд этишни истардим. Малайзия университетларида ҳам ўзбекистонлик ёшлар таълим олади. Мамлакатингиз ёшларининг билимга чанқоқлиги, доим интилиш ва изланишда экани ҳавасимизни келтиради. Улар хорийки тилларни жуда яхши билади. Юртингизда Ўзбекистоннинг буюк келажи учун бую куч-қайрат ва шижоати билан курашадиган, халқингиз раванки учун

қамарбаста бўладиган бундай иқтисодий ёшлар етишиб чиқаётганидан фахрлансангиз арзийди. Ўзбекистоннинг тарихи бой, келажи эса янада буюдир.

Айнан Ўзбекистондек тинч ва осойишта мамлакатга мана шундай нуфузли халқаро анжуманларни ўтказиши ярашади.

Сергей ТОЛСТОВ, Украина Миллий фанлар академиясининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро алоқалар институти профессори, эксперт-технолог:

— Ўзбекистонда ўтказилган халқаро конференцияда барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ижтимоий йўналишлар ва амалий тажрибага оид маърузам билан иштирок этаман. Ўзбекистонда 2012-2015 йилларда қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш лойиҳаси мамлакатингизда ижтимоий соҳани янада тараққий эттириш йўлида танланган энг тўғри қадамлардандир. Бундай эзгу ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида тизимга халқаро молия институтлари маблағларининг ҳам жалб этилиши, аинқиса, таҳсинга сазовор. Ўзбекистоннинг бу соҳада катта тажрибага эга Осиё тараққийёт банки билан ҳамкорлиги қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш орқали, энг аввало, аҳоли турмуш даражасини янада оширишга ҳамда қишлоқларда инфратузилмасини такомиллаштиришга эришилади. Иқтисодиёти барқарор ривожланаётган Ўзбекистон мазкур лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун барча имкониятларга эга.

Сальво КАЧЕЛА, «AQ International» компанияси директори (Италия):

— Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуришининг Ўзбекистон тажрибаси халқаро микёсда кенг эътирофга лойиқ. Халқаро конференция доирасида бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар билан янада яқинроқ танишиш, барпо этилаётган мазкур замонавий уй-жойларни ўз кўзимиз билан кўриш имконига эга бўлишимиздан мамнунмиз.

Сок Йонг ФАНГ, Сингапур менежмент университети таълим иқтисодиёт факультети профессори:

— Уй-жойлар қурилишини изчил олиб бориш учун ҳар бир давлат, авваламбор сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлиши лозим. Қишлоқларни ҳар томонлама замонавийлаштириш учун у ерда нафақат янги уй-жойларни барпо этиш, балки таълим муассасалари ва аҳолига хизмат қўрсатиш мажмуаларини кўпайтириш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, йўллар барпо этиш, сув ва электр энергияси тармоқларини ўтказиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш каби кенг кўламли масалаларни ҳал этиш даркор. Ўзбекистонда бу масалада ана шундай комплекс асосда ёндашилаётгани диққатга сазовордир. Мамлакатингизда қишлоқларни комплекс ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар бунёд этиш бўйича яқил тизим шаклланиши, замонавий турар жойларни қуриш ва молиялаштиришда пухта ташкилий-хуқуқий механизм яратилганидан бошқалар ҳам ибрат олса арзийди.

У-А

СУРХОНДАРЁ: ОБОД ҚИШЛОҚЛАР, КЎРКАМ ХОНАДОНЛАР

Давлатимиз раҳбарининг «қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида қад ростлаётган уйлар қишлоқларимиз қиёфасини ўзгаририб юрмоқда. Аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларга муносиб шарт-шароит яратишга қаратилган ушбу ташаббус бугун халқимизнинг олий мақсадига айланди. Юртимизнинг жануби Сурхондарё вилоятида ҳам минглаб оилалар ана шу эзгу иш ва амалдан баҳраманд бўлмоқда.

2009 йилда воҳада 60 та, 2010 йили 660 та яққа тартибда уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 2011 йилда 675 та, ўтган йили эса 680 та шундай кўркам хонадонларда уй тўйларни бўлиб ўтди. Жорий йилда эса 810 та оиланинг янги уйларга кўчиб

ўтиши режалаштирилган.

Бугунгача Ангор, Шеробод, Музробот, Жарқўрғон, Қизилқум ва Денов туманларида 300 дан ортик 3-4 хонали уйлар ўз эгаларига топширилди. Яқин кунларда Бойсун, Шўрчи, Сарисосиё, Олтинсой туманларида истиқомат қилаётган 100 дан

ортиқ оилаларнинг ўз уйлари-га кўчиб кириши кутилмоқда.

— Олтмиш икки ёшданаман, — дейди деновлик Сафар Абдужаббаров. — Илгари уй-жой қуриш йиллаб давом этарди. Янги замон шарофати билан буларнинг барчаси барҳам топди. Кўпчиликми, бир хонадонда тўртта оила яшардик. Барча шароитларга эга уйлар биз учун айни муддао бўлди. Улардан бирига катта фарзандим Шухратжон кўчиб ўтди. Шароитлари жуда яхши. Шинам меҳмонхона, мўжаз ошхона, ажойиб болалар хонасини кўриб қувондик.

— 5 нафар фарзандимиз бор. Уларга уй жуда ёқди, — дейди музроботлик Қаршигул Хўжабоева. — Савдо ва хизмат кўрсатувчи шохобчалар

ишлаб турибди. Шундай шароитга эга уйларда яшаш орзумиз эди...

— Ўзбекистонга замонавий уй-жой қурилиши бўйича ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этиш учун келдим, — дейди италиялик меҳмон Рустам Ширма. — Ушбу анжуман олдидан мамлакатингизнинг олис ҳудудларида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдик. «Хитоян» маҳалласидаги 145 та шинам ва бетакдор уйлар шахардаги уйлардан ҳеч ҳам кам эмас. Ҳар бир хонадонда тўқин дастурхон безатилиб, уй тўйларни нишонланмоқда. Одамларнинг қайфияти кўтаринки, ишончи мустаҳкам...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, Бахтиёр АЛИҚУЛОВ.



Суратларда: Денов туманидаги «Хитоян» маҳалласида фойдаланишга топширилган янги уй-жойлардан лавҳалар.



Реклама

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«САМАРҚАНДДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2013 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
1.	Самарқанд шаҳри, Сайхун кўчаси-даги «Самарқанддонмахсулотлари» ОАЖнинг 3-базаси ҳудудида нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи қурилиши	286 603 554 сўм	343 924 265 сўм	2 ой

Қурилиш ишлари «Самарқанддонмахсулотлари» ОАЖнинг ўз маблағлари ва банк кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: «Самарқанддонмахсулотлари» ОАЖ.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Якубовский кўчаси, 4-уй, телефон: (8366) 229-60-24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисидаги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келиши керак: танлов савдолари предметни қийматининг камида 20 физи миқдоридида айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни бериш-

га банк қаролатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иш-юмушларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилинган қурилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етакчи бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашшиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунни ва соатигача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биноси кичик мажлислар залида соат 10-00 да ўтказилади.

ОФИР АТЛЕТИКА:

2017 ЙИЛДА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА ҲАМ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛАДИ

Офир атлетика бўйича мамлакатимизда бўлиб ўтган IV жаҳон чемпионатида дунёнинг етмишга яқин давлатидан ташриф булган 500 нафар ўсмир ва қиз иштирок этди. Улар келгуси йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган Бутунжаҳон ўсмирлар олимпиадаси йўлланмалари учун кураш олиб борди. Мусобақа низомига кўра, йўлланмалар спортчиларнинг умумий натижасига кўра, юқори ўринларни эгаллаган терма жамоаларга берилди.



Суратда: Машхурбек Йўлдошев


Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам муносиб иштирок этди. Жумладан, ўз вази тоифасида ҳамюртимиз Машхурбек Йўлдошев (50 кг) беллашуларда штангани даст кўтаришда 86, силтаб кўтаришда 110, икки кураш бўйича 196 килограмм натижани қайд этиб, учта бронза медал соҳиби бўлди. Шунингдек, мурасасиз кечган беллашуларда иқтидорли полвонларимиз Элёр Кенжаев, Азим Ганиев, Азамат Шарипов, Голиб-жон Нигматуллаев, Абдуқодир Абдухалилов, Суннатилла Шокиржонов, Амирзода Иброҳимов совриндорлар қаторидан жой олмаган бўлса-да, муносиб натижалар кўрсатиб, мамлакатимиз терма жамоаси ҳисобига муҳим очколарни тақдим этди. Яқунда Ўзбекистон терма жамоаси Хитойда ўсмирлар ўртасида бўладиган Олимпия ўйинларига иккита йўлланмани қўлга киритди.

Жаҳон чемпионати қатнашчиларининг деярли барча чиқишларини бевосита спорт саройининг ўзида кузатиб бордим, — дейди жаҳон рекордчиси, спортимиз фаҳрийси Эркин Каримов. — Бундай

нуфузли мусобақаларнинг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимиз спорт жамоатчилиги учун катта шараф, ёшларимиз учун улкан бахт! Терма жамоамиз аъзолари орасида истиқболи порлоқ, иқтидорли ёшларнинг кўлиги мени қувонтирди. Ўсмирлар ўртасида Жонг Жу Пак, Ёнг Гван Квон (КХДР), Ксионг Хю Жи, Фейонг Жи (Хитой), Тирасак Срипат (Таиланд), Алберт Лайндер (Қозоғистон), Аҳмад Одил Муҳаммад (Миср), Хетаг Хугаев (Россия), Алиризо Дехангаффаруки, Милад Рашидий (Эрон), Симон Мартиросян (Арманистон) жаҳон чемпионати шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олдилар.

Яқунда умумжамоа ҳисобида юқори кўрсаткичли қўлга киритган Ўзбекистон, Россия, Миср, Қозоғистон, Эрон, Руминия, Ҳиндистон, Арманистон ва Мексика терма жамоалари иккитадан, Украина, Польша, Вьетнам, Венесуэла, КХДР ва Колумбия оғир атлетикачилари биттадан Олимпия йўлланмасига сазовор бўлди.

Қизлар ўртасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган умидли спортчиларимиз Гулноза Аҳмедова (50 кг), Замира Аминжоновна (58 кг), Нуржаҳон Ҳошимова (63 кг),



Суратда: Нуржаҳон Ҳошимова

Зарифа Ҳазратова (69 кг), Комила Петрова (+69 кг), Мадина Мингбоева (+69 кг)лар учун жаҳон чемпионати узига хос маҳорат ва таъриб мактаби вазифасини ўтаб берди.

Беллашулар якунида Патриси Баррера (Эквадор), Су Ён Ри

(КХДР), Линглонг Ю, Ченгю Вей, Бинглиан Лин (Хитой), Камончанок Интамат (Таиланд), Сара Ас-Сайид (Миср), Надежда Ногай (Қозоғистон) ва Ирина Дежа (Украина)лар олтин медал билан тақдирланди. — Тошкентдан бронза медал билан қайтаёпман, — дейди мексикалик Жанет Гомес (53 кг). — Тўғри, жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга кирита олмадим. Аммо бундан асло хафа эмасман. Муҳими, Ўзбекистон ўз гўзаллиги, меҳмондўст халқи билан қалбимда муҳаббат уйғотди, улкан таассуротлар қолдирди. 2017 йилда Тошкентда катталар ўртасида ҳам жаҳон чемпионати ўтказилишини эшитиб хурсанд бўлдим. Насиб этса яна тўрт йилдан сўнг, бу бетакрор ўлкангизга келишга ҳаракат қиламан.

Қизлар ўртасида умумжамоа ҳисобида энг кўп очко жамгарган Мексика, КХДР, Россия, Таиланд, Украина, Қозоғистон, Вьетнам вакиллари иккитадан, Руминия, Эквадор, Венесуэла, Индонезия, Мьянма, Польша ва Миср терма жамоалари аъзолари биттадан Олимпия йўлланмасига эга бўлди.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Шоҳмат

Пойтахтимизда биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир бошланди. Еттинчи мартаба ўтказилаётган мазкур мусобақада Россия, АҚШ, Озарбайжон, Англия, Испания, Германия, Қозоғистон сингари ўн икки давлатдан келган энг кучли шоҳмат усталари голиблик учун дона суришмоқда.

ГЕОРГИЙ АЪЗАМОВНИ ХОТИРЛАБ...



Швейцарча тизимда ташкил этилаётган бахсларда Сергей Федорчук (Украина), Антон Филиппов (Ўзбекистон), Максим Туров (Россия) каби бир қатор етакчи гроссмейстерларнинг борлиги ҳар бир учрашувнинг мурасасиз ўтишини таъминлаши шубҳасиз.

Эслатиб ўтаман, 23 апрелгача давом этадиган мазкур нуфузли мусобақада Антон Филиппов, Марат Жумаев, Жўрабек Ҳамроқулов, Жаҳонгир Воҳидов, Нафиса Мўминова, Нодира Нодиржоновна, Хулқар Тоҳиржоновна сингари тажрибали спортчиларимиз билан бирга кўплаб истеъодли ёш шоҳматчилар юртимиз шарафини ҳимоя қиляпти.

Ижтимоий ҳимоя

НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАСИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан «Ногиронлар учун қулай муҳит яратиш асослари» мавзусида семинар ташкил этилди.

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда айни пайтда 780 минг нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган инсонлар истиқомат қилади. Улардан I-гuruh ногиронлари 8,5 фоизни, II-гuruh ногиронлари 71 фоизни, шундан 16 ёшгача бўлган болалар 97 минг нафарни ташкил қилади.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга асосан мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. — Қонунга биноан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, ногиронлар (шу жумладан ўриндиқли

транспортдан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофида қатнайдиغان йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Афсуски, амалиётда фақат 10 фоиз бинолар ногиронлар ҳаракатига мослаштирилган. Бу ногиронларнинг ҳуқуқларини тўлақонли амалга оширишда муаммо туғдиришмоқда. Мисол учун, олий ўқув юртли бинолари зинаполярларида қулай ушлагичлар мавжуд эмас. Бунинг устига мрамр поллар ва зинаполярлар сирпанчик, Уларнинг барчасида пандуслар ўрнатилмаган. Ногирон бўлган талабалар фойдаланиши учун транспорт воситалари мослаштирилмаган.

Шуни таъкидлаш мумкинки, ушбу қонуннинг 11-моддасида юқоридаги талабларни бажармаганлик учун ташкилотларга энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиниши белгилаб қўйилган.

Афсуски, айрим жойларда юқоридаги қонун талабларига етарли эътибор қаратилмапти. Жумладан, ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида 8828 та корхона ва ташкилотларда ногиронларга ёрдамлаштириш орқали пуллик хизмат кўрсатиш ҳоллари аниқланган ва чора кўриш мақсадида тегишли идораларга талабномалар юборилган. Натижада ушбу ташкилотларнинг барчасида пандуслар ўрнатилди. Ўтган йилда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари томонидан 40 миңгача яқин бинолар эгаларига пандуслар йўқлиги сабабли жарима солинди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



аравача ҳамда етакловчи итлардан фойдаланувчи ногиронлар)нинг ижтимоий инфратузилма объектлари (турар-жойлар, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар ва иншоотлар, соғлиқни сақлаш ва спорт объектлари, маданий-томушоғоҳ ҳамда бошқа муассасалар)га тўсқинликсиз кириши, шунингдек, темир йўл, ҳаво, сув

Футбол



«ЛОКОМОТИВ» — БИРИНЧИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лига жамоалари бешинчи тур баҳсларида майдонга тушди. Эътиборлиси, бу турда бирорта ўйинда ҳам дуран натижа кузатилмади.

Турнинг марказий учрашувларидан бири пойтахтимизда «Локомотив» — «Металлург»

жамоалари ўртасида ўтказилди. Шиддатли кечган мазкур ўйинда омад мезонларга қу-

либ боқди — 2:1.

Бу йилги мавсумни кўтаринки руҳда бошлаган олмаликликлар амалдаги мамлакат кубоғи соҳиби — «Бунёдкор» жамоасига қарши ҳужумкор футбол намойиши этди. Учрашувда мезонлардан Зафар Полвонов ҳисобни очган бўлса, Евгений Гоголь «дубль» қайд этди. Бунёдкорчилардан Камолдин Мурзов бир марта муваффақият қозонди, холос. Яқиний ҳисоб — 3:1. Ушбу мағлубиятдан сўнг, «Бунёдкор» вакиллари пешқадамликни пойтахт темирйўлчиларига топширишга мажбур бўлди.

Турнинг қолган учрашувлари эса куйидагича якунланди: «Насаф» — «Шўртан» — 3:0, «Сўғдиёна» — «Нефтчи» — 2:1, «Қизилқум» — «Навбахор» — 0:1, «Гулистон» — «Бухоро» — 1:0, «Пахтакор» — «Динамо» — 4:0.

Навбатдаги тур ўйинлари 18 апрелда бошланади.

Реклама

Фақат кичик бизнес субъектлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: ЛОТ 4
ЛОТ 4.1. «Фаргона вилояти, Бағдод тумани, Самарқанд ҚФЙ Самарқанд қишлоғидаги 40 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш» (қудук бурғулаш).
Бошланғич нархи: 108 344 500 сўм ҚҚС билан, 90 287 100 сўм ҚҚС сиз.
Муддат: 01.08.2013 й.
Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Фаргона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй, тел.(373) 224-24-33, 95/400-52-80
Қурилиш-таъмирлаш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдода фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар куйидаги шартларга мос келишлари керак: ўшаш объектлари куриш бўйича таърибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни беришга банк қароланомаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома ту-

зишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қиличувилик қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг импортга етказиб бериладиган танлов так-

лифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилоят қурилиш-да танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Фаргона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: 8-373-224-18-71.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб қуни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон қилинганда бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фаргона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади.

МУАССИС:

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Фаррух ҲАМРОЕВ

ТАНРИР НАЙ'АТИ:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Sharbat
ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyot — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83, 233-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 446
16762
naxsada bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5